

Анжар  
Отин



Шеърлар

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1963

Ўзбек адабиёти тарихи ижоди ҳарир жилолар билан безанган, ҳар бандида фасоҳат ва насимийлик, ғурбатзада замонадан шикоят ва фиғон, газаб ва нафрат акс этиб турадиган жуда кўп шеърларни билади.

Адабиёт аҳлининг яқининида маълум бўлган қўқонлик шоира Анбар отин ҳам ўз ижоди билан шулар қаторидан қонуний ўрин олади. Қисқагина ҳаёти давомида жуда кўн азият чеккан бу шоиранинг шеърлари халқ дарди билан ҳамдардлик, ўтмишда аёлларнинг фожияли қисматида нолниш ва яна саодатли келажакка бўлган ишонч туйғулари билан ўзига ром этади.

*Наширга тайёрловчилар:*  
**ЛАЗИЗ ҚАЙУМОВ**  
**ФОТИМА ҲУСАИНОВА**

Анбар отин.  
Шеърлар. Т., Ўзадабийнашр,  
1963.  
64 бет.

Отун Анбар. Стихи.

## ДЕМОКРАТ ШОИРА АНБАР ОТИН

Ўзбек классик адабиёти хазинасига шоираларимиз ҳам катта ҳисса қўшганлар. Халқимизнинг оқил қизлари Зебинисо (XVII аср), Нодира, Увайсий, Маҳзуна (XIX аср) кабилар ўз асарларида социал тенгсизлик, аёллар ҳуқуқсизлиги ва инсон эркининг бўғилишига қарши фаол курашиб келдилар. XIX аср ўзбек демократик адабиётининг кенжа вакилларида бири Анбар отин ҳам устоз шоираларнинг илғор ғояларини ижодий давом эттирган, уни янада бойитган аёллардан биридир.

Анбар отин 1870 йил Қўқонда камбағал касиб оиласида туғилди. Унинг отаси Фармонқул асли марғилонлик бўлиб, шоира Увайсийнинг жиянидир. Фармонқул 1865 йилларда тирикчилик ташвиши билан Марғилондан Қўқонга келди ва бу ерда бўз тўқиш билан шугулланиб, муқим яшаб қолади.

Шоиранинг онаси Ашурбиби ҳам касибнинг қизи эди. Фармонқул Ашурбибига бўз тўқишни ўргатади. Эрхотинининг эртадан кечгача тинмай ишлашига қарамай, она жуда муҳтожликда ҳаёт кечирган. Бу туғрида шоиранинг ўзи бундай дейди:

Отам — Фармонқули Марғилоний,  
Онам — Ашурбиби Қўқоний.  
Алар белбоғчи-бўзчи эрди касби,  
Ҳамиша маккайдан эрди нони.  
Қи «бўзчи ёлчимас белбоққа» доим,  
Яна жуфт бўлмас эрди бир чопони

Анбаройни етти ёшида ўз маҳалласидаги қизлар мактабига беришган. Бўлгуси шоира шу мактабда уч йилча таълим олади, ўқиш ва ёзишни урганайди.

Мазкур мактаб муаллимаси адабиёт ихлосманди ва ўзи ҳам таъби назми бор аёл эди. Анбарой шу муаллима таъсирида адабиётга меҳр қўйди. Навоий, Нодира, Увайсий ғазалларини берилиб ўқиди. Кейинроқ у мустақил равишда Шарқ шеъринининг буюк арбоблари — Саъдий, Ҳофиз, Фузулий кабиларнинг ижоди билан танишди. Анбарой устоз шоираларнинг шеърларига ўхшатиб кичик лирик шеърлар машқ қила бошлайди. У айниқса, момоси Увайсийга ҳаёратиди, унинг ғазалларига ҳушдорлар берган. Навоийнинг ҳам ўзининг бир қанча устозларидан ҳам

Агар устоди адабни назолайг, Анбар отин,  
Сан Навоий таълимини доим мутолаа қил.

Анбаройни ўн тўрт ёшида ўратепалик Зоҳидхўжа исми номвой йиғитга узатишади. Зоҳидхўжа ҳам шеърингга ихлосманд касиблардан эди. Унинг набраси Юсуф Акбаровнинг айтишига қараганда, Зоҳидхўжа ҳамшаҳар шоирлар — Муқम्मий, Фурқат, шунингдек, Нанрий, Қорийлар билан суҳбатдош бўлган. Зоҳидхўжа Анбаройнинг адабий қизиқишларига монелик қилмади, балки шоиранинг бу машғулотини маъқуллади.

Анбарой ҳаққўй, очиқ кунгил, оқила аёл бўлиб етишди. У хотин-қизлар тўпланган ерларда, уларнинг илтимосига кура, устоз шоираларнинг асарларини ва ўзининг баъзи шеърларини завқ билан ўқиб бериб юрган. Деярли ёппасига саводсиз бўлган ҳаммаҳалла аёлларга шоиранинг бу иши жуда маъқул тушиб, уни муаллима, хушовоз ғазалхон маъносига «отин» деб атаганлар. Шоира халқ қўйган бу номдан хушнуд бўлиб, ўз исминини «Анбар отин» деб тўлдирди. Ҳаммаҳалла бой хотинлар, албатта, бу камбағал доно аёлни ёмон кўришган. Анбар отин ҳам уларни писанд қилмаган, текки томоқ хонимларни ва уларнинг лагаибдорларининг фоида қилувчи шеърлар ёзган. Анбар отиннинг бундай жасорати бой хотинларнинг ғазабини қўзғатди. Улар шоирадан ўч олиш йўлига тушдилар. Кунларнинг бирида Усмоҳхўжа бойваччаникида бўлган йиғилишда уни калтаклаб, баланд зинали айвондан ташлаб юбордилар. Шунда шоир

ранинг икки оёғи синган, уни даволаш шаҳар табибларининг қўлидан келмагач, шоиранинг талаби билан кексароқ бир рус докторини олиб келишган. Унинг ёрдами билан шоира қўлтиқтаёқ билан оёқ боса оладиган бўлиб қолган. Бундан беҳад қувонган она аъзолари рус докторини жуда ҳурмат қилишган. Доктор ўзбек тилини бир оз билган ва ҳар келганида Анбар отинга ижтимоий ҳаётдаги янгиликлардан, рус турмушидан гапириб берган. Шоира шу меҳрибон рус кишиси орқали ижтимоий ҳаёт билан ҳамнафас бўлган.

Кейинчалик шоиранинг дарди кучайиб, охири икки оёғи шол бўлиб ётиб қолади. Бунинг устига, ўпка касаллиги ҳам қўшилади. Шоира олти йил қаттиқ азоб тортиб, ўзининг олтинчи ёшида - 1906 йил кузда вафот

қилади. Унинг асосий ижодий ишлари «Анбар отининг бирдан-бир машғулоти, дунё билан алоқаси, инсониятга фарзандлик бурчини ўташнинг ягона воситасига айланди. «Мактабдан ё кўчадан келганимда онамнинг қўлларида ҳамма вақт китоб, дафтар, қалам кўрар эдим. Кўзлари ёшли, ўқиб ёки ёзиб ўтирар эдилар. Ёстиқларининг тагида ҳамма вақт қоғоз, қалам бўлар эди» деб эслайди ўғли Усмонхўжа Зоҳидов.

Шоира ўзининг ҳаёт ҳақидаги фикрларини, юрак дардларини, машъум замондан шикоятини, золимларга бўлган ғазабининг образларга ўраб, мисраларга тера бошлади.

Анбар отинининг ижодий мероси анча бой ва мазмунан хилма-хилдир. Аёлларнинг ҳаёти, ғам-андухи, орзу-истаги Анбар отин лирикасининг асосий мазмунини ташкил этади. Шоира аёлларни, умуман инсонни ҳаётда бахтиёр, шод, жамиятда озод кўришни орзу қилди. Шоира инсон қадр-қимматини юқори қўйди, унинг руҳан бой бўлишпини истади. Шоира орзу қилган, у куйлаган муҳаббат инсонлар ўртасидаги чинакам, энг юксак туйғулар туйғули пайдо бўладиган самимий муҳаббатдир. Шоира учун ҳақиқий муҳаббатга эга бўлиш — чинакам инсонийлик белгиси, инсон рамзидир. Агар устоз шоира Нодира:

---

<sup>1</sup> Шоира ҳақидаги биринчи мақолаларимизда унинг ўлими 1915 йил деб кўрсатилган эди. Қўшимча маълумотлар, у 1906 йилда вафот этганини кўрсатмоқда. (Л. Қ. Ф. Ҳ.).

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур.  
Гар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт,

дегаи бўлса, Анбар отин бу ғояни давом эттиради:

Ишқ бирла ҳажр дарди бўлмаса ҳар кимсада,  
Билғил они ким ўзини ўзи беном айлади.

Инсон учун маҳбубсиз ҳаётнинг маъноси йўқ, унга на баҳор ва на унинг жилвагар табиати таъсир этади. Маъшуқа учун ҳам ошиғининг сиймоси жуда қимматли, у эълм.даги ҳаётнинг чиррағидир.

Ўзининг улуғ истақлари, зотида тақозоси билан амал қилмасдан, ҳаётини ақил ва қалб ва инсоният муҳитини норозилик оҳанглари бўрига бошқиси. Лирик ҳаёт рамон камбағал ўлик ва ҳаётнинг ғайбатсизлик натижасида орзу-умидларга эриша олмагани, соф муҳаббат лаззатини тота олмагани учун фарёд чекади. Шоиранинг ҳаётини тажрибаси ортган сари унинг ижодида ижтимоий ҳаётдан норозилик оҳанглари чуқурлаша боради. У ўз давридаги адабий ва социал муҳит билан яқиндан танишди. Ўз замондошлари Муқимий, Фурқатлар изидан бориб, Навоий, Нодира, Увайсийларнинг илғор ғояларини тўлдиради, замон билан ҳамнафас анча чуқур социал мазмули шеърлар яратди.

Анбар отин шоирлар ва уларнинг бурчи ҳақида ёзган бир шеърда «шоирлар нимани мавзу қилиши керак?» деган саволга шундай жавоб беради:

Шеър ёзсангиз, халойиқ ҳолидан мавзу этинг,  
Кўп улугларни мадҳ этмоқ эрур бу исроф.  
Авалло ўйланг эл ичра зингдаги қай хилдадир,  
Икки ёқлик зулмини сиз айланг ҳаминша эътироф.

Кўриниб турибдики, шоира ҳаёт ва шеърят масаласини янгича ҳал қилляпти. Анбар отин шеърятнинг ҳаётини, яъни, халқ ҳаёти билан чамбарчас боғланиши кераклигини таъкидлайди. Бу билан шоира назирчилик, қасидачилик ва схематизмдан иборат бўлган феодаал-сарой адабиётига зарба беради.

Инсонларварлик унинг ижодига хос етакчи мотив-

дир. Шоира улуғ Навоийнинг фалсафасини давом эттириб:

Кимсаки халқ ғамидин ғами бўлурса, анға сан  
Ендашпб, ҳар ишида ул ила мутонба қил,

деб ёзади.

Шоира бутун ижоди давомида ўзининг юқоридаги ижтимоий ва эстетик программасига содиқ қолди. Шоира яшаган даврдаги ўзбек халқи тарихида энг муҳим воқеа — Урта Осиёнинг Россияга қўшилиши бўлди. Маълумки, бу мураккаб тарихий ҳодиса объектив равишда прогрессив аҳамиятга эга бўлган. Ана шу аҳамиятни тушуниб олган шоира, Муқимий, Фурқатлар қаторида бу тарихий ҳодисанинг тарафлари бўлиб чиқди. Анбар отин «Аёлларнинг айби қилиди» ҳурриятини, муқобилатини ўз шеърларида баён қилди:

Қўшилиб мулки Фаргона ўрусга бу саро бўлди,  
Ўрус ўзбек элига бир тугнишгандек ағо бўлди.  
Ўруслар ишда пишгон важҳидин ҳушёрдур анча,  
Ранят фойдасига сўзламоққа раҳнамо бўлди,  
Зиёлиси зиёлимизга таълим берса илмидин,  
Ҳама ишларға омил, устаси бир кимё бўлди.

Шоира қатор шеърларида ўзбек аёлларининг оғир ҳаёти ва тақдирини баён қилади. Анбар отиннинг лирик қаҳрамони ҳар томонлама зулм остида қолган камбағал ўзбек аёлидир. Шоира шу муштипар аёлларни ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаси деб билди. Анбар отин ўзбек хотин-қизларининг ҳуқуқсизлигини, мол-товар ҳолига келтирилганлигини, илм маърифатсиз тўрт девор орасидаги чўрига айлантирилганини баён қилиб, замондан шикоят қилади. «Аёлларнинг айби нимада?» деб замонга мурожаат этади:

Бир ўзимни айтмағайман, зинҳор, эй дўстлар.  
Раҳм этингиз зулмат ичра кўб аёлминни кўриб.

Шоира захматқаш аёлларнинг саркори сифатида уларни шу аҳволга солган, ҳар томонлама камситган ҳоким синф ва дин аҳлларига ўз нафратини сочади:

Аёллар сочи узун, ақли қисқадур деганларга,  
Товуқча ақли йўқ, ахлатни титконларга ўт тушсун.  
«Хотинлар мол қатори сотилар» деб муштипарларни —  
Зулайхо, Лайли, Ширинни ган олмаганларга ўт  
тушсун.

Шонра аёлларни ўз ҳақ-ҳуқуқи учун фаол курашиш-  
га чақирар экан, уларнинг порлоқ келгусини ўйлай-  
ди, бунга қаттиқ ишонади.

Келур вақтеки, хешованд жаможам кун кўрар хурсанд,  
Замонни хотини авлодини руҳи кўрар дилшод.

Анбар отининг оути фаоллигини меҳнаткаш  
халқ оммаси хизматига қаратди. Шоира дунёда бўла-  
ётган ижтимоий воқеаларни умрининг охиригача диқ-  
қат билан кузатиб ва унга ўз муносабатини шеърларида  
баён қилиб борди. Чунончи, 1904 йилда бошланган рус-  
япон уруши камбағаллар бошига бир бало бўлди. Ан-  
бар отининг бу мавзуда ёзган шеърларида меҳнаткаш  
халқнинг қонли империалистик урушга бўлган нафрати,  
муносабати ўзининг ёрқин ифодасини топган:

Шум жаҳонгирлар учун зўр давру даврондур уруш,  
Кўп ҳаромхўрлар учун пур рим ила қондур уруш.  
Қонхўру бедодгарлар таъмасини келтирур,  
Эл учун боди бало бир офати жондур уруш.

Уруш инсоният тарихининг барча босқичларида ҳам  
оналар ғазабига сабаб бўлган ҳодиса. Мазкур шеърда  
халқпарвар шонра меҳнаткаш оналар номидан урушга  
лаънатлар ўқийди ва тинчлик учун курашга чақиради:

Қай кунни бўлғайки дунё сулҳ ила топғай қарор,  
Акс ҳолатда бу эл пойига қопқондур уруш.  
Жарчи бўл, Анбар, хотунлар бирла чиқ ёв зиддиға!  
Бу нечук мудҳиш балоға оби тўфондур уруш.

Анбар отин 1905 йил августда тузилган сулҳга  
бағишлаб ёзган шеърида сулҳ тузилиши ва тинчлик



ўрнатилиши муносабати билан ўз қувончини билдирди.

Шоира фақат ижтимоий муҳит билангина эмас, балки, бу даврдаги адабий муҳит билан ҳам яхши таниш. Бу даврда, яъни XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида ўзбек адабиётида икки хил адабий оқим мавжуд эди. Биринчи, меҳнаткаш халқ оmmasининг манфаатини ҳимоя қилувчи демократик оқим бўлса, иккинчиси, ҳукмрон синф маддоҳи бўлган Муҳий, Ҳазинийлар бошчилигидаги реакцион адабиёт эди. Анбар отин сўнги оқимни кескин қоралайди, шеърларида ҳам, амалда ҳам бу хил адабиётчилар билан принципал мунозара қилади:

Шоир эрсанг вақти-вақти бирла мушоара қил,  
Ул Ҳазиний тузасига кирибон мунозара қил,  
Хизмат этсанг эл учун холис қило кўр доимо,  
Кўп кирокашлар илан қўрқмай мубориза қил.

Муҳий, Камий каби реакцион шоирларни Анбар отин Ҳазинийнинг пайровчилари деб ҳисоблайди:

Эй Камий, шоирлик узра мунча қилманг лоф-қоф,  
Муҳийдек мунча узоққа бордингиз то Кўҳи Қоф.  
Ул Ҳазиний пайрови бўлмоқ ила топмас назар,  
Шоир ўлмоқдин умиди бўлса қилмас ҳеч лоф.

Демократ шоира Анбар отин адабиёт халқ ҳаётининг ҳаққоний кўзгуси бўлиши керак, деган эстетик таълимнинг тарафдоридир Ҳазиний ва унинг шериклари эса меҳнаткаш халқ манфаатини тамомла унутиб, «улуғ»ларни мақташ билан овора. Шунинг учун ҳам улар шоирамиз газабига, айни вақтда, халқ оmmasининг газабига дучор бўлганлар. Анбар отин:

Завқи-ю Шавқий, Муқимийдек ҳаётимдан ёзиб,  
Анбарни кокилларимни ҳидларин айланг тавоф.

дейди. Ҳа, шоирамиз меҳнаткаш халқ манфаатини кўзловчи демократ шоирлар билан ғоявий иттифоқда. Анбар отин улуғ демократ шоир Муқимийга зўр ҳурмати-ни қуйидаги шеърларда баён қилади:

Эй Муқимий, эрлар нчра куйлангиз сиз ҳам мудом!  
Негаким, мандек аёлларга эрур куйлаш ҳаром.  
Эрни хотундан қилиб афзал яратган дейдилар,  
Биз учун ҳам сизни шеърингизни этсун эҳтиром.  
Сиз каби ростгўйлар ҳоло хушомадга ғализ,  
Вақти келгай: сўзларингиз топгуси олий мақом.

Шоира ўзи яшаган даврдаги халқнинг оғир ҳаётига, ўзининг фожиали шахсий аҳволига қарамай, оптимизм, порлоқ келажакка комил-ишонч унинг барча шеърларида қизил ип бўлиб ўтади. У она-Ватаннинг истиқболлини шундай тасаввур қилади:

Келиб ҳақиқат авлодим мани мўлким қилур обод,  
Бу вайрона днёримда шаҳарлар айлагай бунёд,  
Тўсиб дарё сувини, чўли бедунга юбориб жон,  
Ҳама қишлоқ элини сув балосидин қилур озод.

Ҳа, шоира орзу қилган замонлар келди. Унинг «хушнуд авлоди» бахтиёр ҳаёт кечирмоқда. Шундай бахтиёр кунлар келганда, авлодлар уни ҳам ҳурмат билан тилга олишларини Анбар отин башорат қилган эди:

Ҳозирча қоғоз устида мани дурларим сочилгай,  
Вақти келиб ушбу махфий сирим очилгай.  
Бу бахтсиз мани фарзандларим чигали ечилгай.  
Ул вақт мани хотунлик гуноҳим кечилгай.  
Дегайлар ўшал вақт «мард аёл қўйдук отингни».

Шоиранинг бу башорати ҳам амалга ошди. Унинг ўғли Усмонхўжа Зоҳидов, набираси Юсуфжон Акбаров ва журналист Туроб Акбархўжаевлар ёрдами билан яқинда шоира асарларининг автографи топилди. Мазкур китобчада шу автографдаги шеърларни диққатингизга ҳавола қилдик.

*Лазиз Қаюмов,  
Фотима Хусаинова.*



Жаҳон — огуға келган Анбар отинман,  
Ғаму қайғуга келган Анбар отинман.

Ямон соатда келдим ман жаҳонга,  
Инн жодуга келган Анбар отинман.

Адаб аҳли оёқ остида хордур,  
Чунин ёғуға келган Анбар отинман.



Эй дўст, жаҳолат аҳлига ошно бўла кўрма,  
То келгунча бахту саодат шайдо бўла кўрма.

Ҳар кимки ўзин ўйлади, элдин хабари йўқ,  
Ул аблаҳи бедни ила савдо қила кўрма.

Илмеки адаб, ишқу муҳаббатга йироқдур,  
Билгилки сан ул илмин асло билла кўрма.

Ҳар ким амали эл фойдасига жори эмасдур,  
Онинг юзини сан умрингда бир йўла кўрма,

Ҳар мугбача даф чолса, аё Анбарни хушрўй!  
То ошиқ эмас, ишқида бағринг тила кўрма.



Мендек ётма, ўйноғил завоқи Фарғона!  
Эрлардек бел боғла эмди бўлиб мардона!

Мани бошимдадурсиз, дўстлик қилурсиз,  
Ғазалларимни тинглаб худди парвона.

Бу дард мандиш йироқ бўлишни исгамас.  
Ўхшайдур, охири тўладур паймона.

Хасталигим яхши бўлди, ёронлар!  
Қўрмак учун сизгадур бу бир баҳона.

Паймонам қай куни тўлса агар дўстларим!  
Халқ ичинда ўқуғайсиз ғазал, афсона.

Анбар бўйи бўғилмасун эй гул, кўксингда,  
Ханда қил гунчалар, кулсун зани замона!



Қўй ухласун эмди, якбора тонг откунча,  
Берсун таниға роҳат, гаҳвора тонг откунча.

Ман сан ила уйғоқ, ҳамдам бу зулматда,  
Ул ҳоли хабарсиздур, бечора тонг откунча.

Ул бўлса хабарсиз, сан анго тушунтирма,  
Ақли киродур бола бир бора тонг откунча.

Бизни кўзимиз кўкда, ойни чиқишин пойлаб,  
Нимжон ёрутиб турғай сайёра тонг откунча.

Сергак кишилар билгай, ўзлари саҳар чоғин,  
Не кераги бордур, нағора тонг откунча?

(  
Анбар ҳидини сочиб куйлаб ўтирар доим,  
Тонг нуруни билмакка, ишора тонг откунча.



Эй, замон раҳм айлагил вақти заволимни кўруб,  
Яшнамай пажмурда бўлгон нав ниҳолимни кўруб.

Қай кунни бўлғайки, сан мандек гадолар ҳолиға,  
Айлағайсан бир тараҳҳум бу маҳолимни кўруб.

Ҳусни хўбими гуноҳим, пардаи исматдаи,  
Кундузи ҳам тун бўлибдир лабдаги холим кўруб.

Е узун сочларму бу зулматда ёткон йилларим,  
Ой ўзин абр ичра солди қора толимни кўруб.

Бир ўзимни айтмағайман, зинҳор эй дўстлар,  
Раҳм этингиз зулмат ичра кўб аёлимни кўруб.

Дуди оҳим арши аълога чиқар кўргилки шайх,  
Анбарим бўлди хазин тўсдек бу ёлимни кўруб.





Ман ўлсам эй биродарлар, қизимни куёвга беринг!  
Судхўр, бой, золимларга зид бировга беринг.

Бечора қизим мураббийсиз қолғонда анго,  
Ғамхўр ўлғувчи бир ақлли суйёвга беринг.

Ўзи ранжбар ўлиб, аҳли аёлини қийнамасун,  
Мазлумларни сўкмасун ҳеч, соқовга беринг.

Ман ўлсам йингламангиз асло, у кун менинг тўйим.  
Такфин сарқитини қизил бўяб яловга беринг.

Уғлимни хор этмангиз етимлик нони бериб,  
Билим ўргатувчи олим бировга беринг.

Авлодларим отасидек захмат аҳлидин бўлсун,  
Улар Анбар ҳидидур, қиру яйловга беринг.





Таъсир этмас манго азалдин танбеҳи зоҳид,  
То кўрмағайман хилватда бўлгон андуҳи воҳид.

Манким, эрурман огоҳ андин эл ичра тақво,  
Хилватда ишрат, нафс кўйида ташбеҳи зоҳид.

Ҳар ерда бўлса, лаби пичирлаб, қўл жунбишини,  
Эл кўзиға ул хавф ила рижо тасбиҳи зоҳид.

Иўқдур ҳақиқат жазо берурға, макрин кўриб ҳам,  
Шариат аҳли фаҳмиға етса танзиҳи зоҳид.

Қўрқутма эй шайх, мазлумаларни дўзах ўтидин!  
Манго аёндур иблис макони, макруҳи зоҳид.

Назм айламакни гуноҳ дейсиз Анбарға доим,  
Нечунки назмим тиғи кесодур фириби зоҳид.



Шум ажалдин ҳам ёмонроқ жангарини соси тунд,  
Тил учида ошнодур, аслида авзоси тунд.

Қалтабиндур, кўнгли вайрон ўз элининг душмани,  
Бўлар-бўлмасга кир излаб, айлағон — ғавғоси тунд.

Тинчлик душманлари ила сира сўзлашмағил,  
Олди-берди қилса ҳам, феъли ёмон, савдоси тунд.

Шаҳр ичра қўймангиз, бегонани, эй дўстлар!  
Қўй бўлиб киргай, чиқишда бўридек яғмоси тунд.

Ажнабий чет элга борса, шайхлардек порсо,  
Усталик ила қўпорғон ҳиёла-ю иғвоси тунд.

Тундликни банам бунёди ила барбод этай,  
Ҳар ёмонға зид бу Анбар ҳидларим, кимёси тунд.



Келиб хушнуд авлодим, мани мулким қилур обод,  
Бу вайрона диёримда шаҳарлар айлагай бунёд.

Дабистони улумни сар-басар очиб ҳар эл ичра,  
Кенгайтиб таҳсилини, навжувонлар айлагайлар ёд.

Тўсиб дарё сувини чўли бедунға юборуб жон,  
Ҳама қишлоқ элини сув балосидин қилур озо.

Қоронғу уйда инграб ўлтурурму ман каби хотун,  
Ҳама ашъорини овоз ила ўқуб қилур ижод.

Момом — Вайсий ўзини қайди бандда қурди ҳар  
ҳангом.

Қилиб Хўқандға риҳлат, рўзгорин айлади барбод.

Ажойиб Марғилонда аммасини кўрмади отам,  
Бобом низ хоҳарини ёд этиб, айларди юз фарёд.

Келур вақтеки, хешованд жаможам кун кўрар  
хурсанд.

Замонни хотини авлодини руҳи кўрар дилшод.

Дариғоким, бу Анбар ўтадур кўрмай ул оламни,  
Бу умрим бўлди кўтоҳким, фалак гардишидин минг  
лод!



Эй болам, Ҳайруллахон мактаб очибдур борингиз.  
Албатта шу янги мактабда ўқунгиз, борингиз.

Ерда ўлтурмай харракда ўлтурурмиш болалар,  
Тоза тургай уст-бошу жоман дасторингиз.

Ўргатармиш турк тилида, ҳар илмдан борини,  
Келгусида шу билимлар бирла бўлғай корингиз.

Ҳар ўқушнинг маънисига тез тушунсангиз агар,  
Яхши муллолар каби олис борар рафторингиз.

Отажонингиз ҳамият берса ўқишга доимо  
Ул худо соғлиқда сақлаб бўлса доим ёрингиз.

Бибихон яхши қараб, ҳар кун жўнатса вақтида,  
Яшнаса, мактаб қошида боғчаю гулзорингиз.

Болалар, озода бўлсангиз. адабли бўлсангиз,  
Мушқу Анбар ҳиди бергай куйлаган ашъорингиз.



Эй, ҳавода турнақатор учган ғоз!  
Қошимга туш, қанотингни қил қоғоз.

Патларингни кенгайтиргил шунчаки,  
Ҳар бирини ер кенглигида сан ёз.

Қанотинга юрак сирларин битай,  
Ғамгусорим тарафиға эт парвоз.

Қўнглимда аламлар шунча ҳам кўпки,  
Минг ғоз қанотиға ёзганда ҳам оз.

Фарёдимга қулоқ солиб раҳм этса,  
Келсун иқдомиға солай пояндоз.

Хотирини шод айлай анжуман йиғиб,  
Шоирлар куйласун қўлға олиб соз.

Ҳақиқий муҳаббатга қулоқ берса ул,  
Анингдек дилрабони айлайин эъзоз.

Мажлисга уд — Анбар ҳидини солиб.  
Узини элимда айлайин мумтоз.



Бу фалак манго ажаб қайғуни илҳом айлади,  
Ишқ дардин айлама изҳор, деб том айлади.

Ўзи ишқ лашкарларини Мисрдин ҳайдаб келиб,  
Бемаҳал ғавғо солиб, ул доҳили шом айлади.

Миср шоҳи юзни очмай, ўлтирибдир дар ҳижоб,  
Ул Зулайхо ҳажри дардин, ки бадном айлади.

Ишқ бирла ҳажр дарди бўлмаса ҳар кимсада,  
Билғил они ким, ўзини ўзи беном айлади.

Ман нечук сабр айлайин, суйган нигорим келмаса,  
Сир очилди, воқифим ҳар хосу, ҳар ом айлади.

Ҳайф бу Анбар ҳиди, шу дунёға лойиқ эмас,  
Келгуси дунё учун махфий саранжом айлади.



Қўшулиб мулки Фарғона ўрусга бу саро бўлди,  
Ўрус ўзбек элига бир туғушгандек аго бўлди.  
Ўруслар ишда пишғон важҳидин, ҳушёрдур анча.  
Раият фойдасига сўзламоққа раҳнамо бўлди.  
Зиёлиси зиёлимизга таълим берса илмидин,  
Ҳама ишларга омил устоси бир кимё бўлди.  
Ва лекин, ҳукмронлик важҳидин оғир бўлиб ишлар,  
Яроқлар икки хил, зарбидин оғриқ бедаво бўлди.  
Олиқлар бир қатор эрди, тўлашга бўлмади дармон,  
Солиқлар қўшқатор ўлғач эл энди Мосуво бўлди.  
Қилич ёнига тўппонча қўшулиб, ҳайбати ошди,  
Ки аксар пойловучлар ҳибсда мотамсаро бўлди.  
Қувониб ибтидода ўйлади эл, «зулм кетди», деб,  
Келиб золим, мулозим бирла тезда ҳампо бўлди.  
Билиб олғочки мақсад бир эрур ҳар икки қонунда,  
Бизим пешволаримиз дардига малҳам даво бўлди.  
Бунни кўргач бечора эл яна маъюсу маҳзундур,  
Сабаб шул эрди эл ичра давоми можаро бўлди.  
Сан эй Анбар отинча, сўзлама бундоғ аёллурсан,  
Неча сандек аёллар дардини айтиб адо бўлди



Борурман деб нигорим, бу дилимни чоғ-чоғ этди,  
Адам даштига юзлангон танимни боғ-боғ этди.

Бу сўз бирлан тасалли берди кўнглимни ёрутмоққа,  
Қаро зулматда қолгон масканимга бир чароғ этди.

Шу бўлди, келмагинин маҳрум ўлдим шўр бахтимга,  
Висолин лаззати кўксум аро юз доғ-доғ этди.

Хабар келганда яшнаб гулшаним, булбул эди хушхон,  
Бу боғимни умидсизликда кони зоғ-зоғ этди.

Нигоронликда Ширин ишқидин тоғлар кезиб Фарҳод,  
Мани йўлимда юз турли аламни тоғ-тоғ этди.

Жудолик, хасталик кундин-кун ошди найласун Анбар?  
Узича ул ғазал ёзмоққа ҳамдам жоғ-жоғ этди.





Бу оҳим дуди охир титратур арши муаллони,  
Дуо бўлғай ижобат ёритур бу шаби яллони.

Ҳамиша қўл кўтариб айлағайлар кўб дуо барча,  
Дуо қилсам қочурғайман каромат узра донони.

Деюрлар чин дуо қилса, қилур сувларни ул тасрв,  
Келур вақтеки бошқа йўлга бургайлар бу дарёни.

Дуо қилмай муруват муждаси бирлан кўкартургай.  
Бу туфроқ кўксига жо айлағай гавҳару кимёни.

Ушандоқ олими пурдидани бўлай тасаддуқи,  
Келур вақти, бу орзу нақд қилғай ҳар таманнони.

Ўзим — Анбар, бу бистарда ётурман порадуру бу дил,  
Манинг хушбўлигим охир тутодур рўйи дунёни.

• • •

Асли десак, насли бир сак қўрбоши,  
Элликбоши, мингбоши ва даҳбоши.  
Хон давридан сарқут қолгон амалдор,  
Ҳоким — ўрус бўлди. Муъмин қўрбоши.  
Меҳнат ила маблағ топиб уй солдик,  
Приставга лойиқ кўрди қўрбоши.  
Душанба кун қирқта қазақ ўриси,  
Ташқариға бошлаб келди қўрбоши.  
Нима эмиш?  
Шул ҳовлиға пристав  
Кўчиб келар бўлди дермиш қўрбоши.  
Нонвойхонадин эшитиб устозим,  
Етиб келиб кўрса турмуш қўрбоши.  
Қўли хаамирича югурган экан,  
Нима учун келибди деб қўрбоши.  
Аҳволни тинглағоч, таваккал қилиб,  
Урибдирлар, ҳушёр бўлди қўрбоши.  
Икки тиши синиб тушган бўлса ҳам,  
Ғазабидин кечмади ул қўрбоши.  
Ҳокимга арз қилиб жаримасига  
Ҳовлини олдириб қўйди қўрбоши.  
Кўб жон тикилиб кичик ҳовлида,  
Қийналдик, жабрини қилди қўрбоши.  
Эй, Анбар отинча, фарёд этма кўб!  
Бу замонда золимлардур ишбоши.

Гапур дўлгур, мағини биримга дорулар қачон келгай?  
Бу дардни қақшатурга тунд огулар қачон келгай?

Ҳама авлодларим ўйлаб кетибдур дунёдин бирдек,  
Ман ҳам умед қилган ширин орзулар қачон келгай?

Билолмасман фалакдин дод этарлар барча, бўҳтондур,  
Кўзимиз олдиға ул юлдуз — инжулар қачон келгай?

Узоқдур, деб у меҳмондин умед узган ниҳоят кўб,  
Умед узмом келуридин, ки ҳиндулар қачон келгай?

Қаро бахтим мисоли офтоб нурида куйганлар,  
Қадимдан дўсти жон ул чашми оҳулар қачон келгай?

Тавоно гарданда зебигардандур жавоҳирлар,  
Нотавонлар тоққоли ёқут — лулулар қачон келгай?

Ҳусн бобида давлат зарби зўрму, сурати зўрму?  
Бу Анбар рўйи зебосига кўзгулар қачон келгай?

\* \* \*

Эй дилбарим, боғимга кел ҳурилиқодин ўргилай.  
Сани манго келтиргучи боди сабодин ўргилай.

Сансиз баҳор ўлмади, гул ҳам бирор бор кулмади,  
Таъбим бирон очилмади, сан дилрабодин ўргилай.

Неча қародим йўлингга, келгаймусан деб субҳу —  
шом,  
Термулдим ман алдавом, сан пуржафодин ўргилай.

Кундуз ҳам ўлди кечалар, йўлингни кутдим нечалар,  
Бир қилмадинг андешалар, сан бепарводин ўргилай.

Бир йўл келиб шод эт мани, мулкимни обод эт мани,  
Анбар ҳидини ҳидлабон, қоши қародин ўргилай.

\* \* \*

Фалак бошимга тушкил, бундин ортуқ жабрлар қилмай.  
Ҳама тарҳинг бузилсун, ер юзининг тарҳини бузмай

Қанотим йўқки учсам, ман бориб қошингда сўзлашсам  
Ки бечора халойиқ йиғлоғойлар сирларинг билмай.

Мани бу сўз ила айб этма зоҳид, илм қил таҳсил,  
Жаҳондин сан тириклай кўз юмарсан, умрни кўрмай.

Бу дайр аҳлини доим куфрға онд айлаб хонақоҳ ичра.  
Халойиқ ҳам алойиқдин кечибсиз, қадрини билмай.

Кеча қайғу ила йиғлаб, кавокибни кезиб кўзим,  
Жаҳон аҳлиға изҳорим келур не махфий қолдирмай,

Жаҳолатда хабарсиз, ҳирқаға бурканса доим шайх,  
Кўзи кўрмаски тасбеҳи нечанд донлар эди билмай.

Бу нодон сўфи доим шайхни феълини кашф айлаб,  
Билолмаским, ўтарму пулсиротдин анда йиқилмай.

Мени афсона қилманг эй халойиқ, айб зоҳидда,  
Манинг Анбар ҳидим рўшод, зоҳид ошкор этмай.

• . •

Турсун дар дар, дарилла тўйларда сен ҳайиқмай,  
Бой хотунлар келганда, асло қўймағил қоқмай.

Камбағални иззат қил, тўрга чиқар уларни,  
Савлатиға ош пишконлар юзларига ҳеч боқмай,

Ғозибойлар, кемачилар, мингбошилар хотуни,  
Пиёда бормайди, извошга қўнғироқ тоқмай.

Ундоқ шуҳратчиларни танобини тортиб қўй,  
Давлатиға дам берсун, мунча ортиқ ҳовлиқмай.

Ярашмағон ямоқдур ул, дириклама искалуш,  
Тамкинона юрурлар, этик ковушға сигмай.

Атр-ифо суртади ажин босган юзларга,  
Анбар ҳиди берурму, гул бўстонда экилмай?

•



Шоир эрсанг вақти-вақти бирла мушоара қил  
Ул Ҳазиний тўдасига кирибон мунозара қил.

Гар гуноҳинг ортуқ ўлса ул ҳисобот вақтида,  
Бир савобинг кўрсатиб, ўзингни мудрофна қил.

Жаннат орзусида хизмат айласанг гар тангриға  
Дўзахидин қўрқганингданму, мулоҳиза қил.

Хизмат этсанг эл учун холис қило кўр доимо,  
Кўб кирокашлар илан қўрқмай мубориза қил.

Қимсаки халқ ғамидин ғами бўлурса, анға сан,  
Ёндашиб, ҳар ишида ул ила мутоиба қил.

Агар устоди адабни изласанг, Анбар отин!  
Сан Навоий таълимини доим мутоила қил.

\* \* \*

Кўбдин кутаман кел эмди, жондин азизим!  
Бир ҳолимни сўргил мени, эй соҳиб тамизим.

Ҳолима ҳеч киши боқмаса ҳам, сан ҳамадин,  
Ортиқ (б)ўлиб келгил эй сўзи лазизим!

Бир бор қараб зулматли уйинни ёрутиб.  
Кўнглимни кўтаргил, сан кўзлари тезим.

Бор умримни сарф этиб муштоқи юзингни,  
Бўлғаймукин охир ўшал хушнуд кезим.

Бу не хислат эрур эй олими жаҳондида!  
Ичмасдин аввал бўлди қаро бу оқ қимизим?!

Майли, қимизимни тўкаман, даркор васлинг,  
Солай қадамингга Анбарин оқ кегизим.





Эй, Муқимий, эрлар ичра куйлангиз сиз ҳар мудом!  
Негаким мандек аёлларға эрур куйлаш ҳаром.

Эрни хотундин қилиб афзал яраткан дейдилар,  
Биз учун ҳам сизни, шеърингизни этсун эҳтиром.

Бейтоатлик агар эл ичра бўлса айбингиз,  
Бўйла қонун кашф этканлардин олинг интиқом.

Сиз қаби ростгўйлар ҳоло хушомадға ғализ,  
Вақти келгай сўзларингиз топқуси олиймақом.

Ичкарида маҳраимдур бу қалам, қоғоз менинг,  
Дафтарим топилса бир кун ўқуғисидур ихдиҳом.

Улмасам етмиш ёшимда кўрсам ҳам майли эди,  
Анбарим ерға кўмилса, ушбудир бахти қаром.



Бисмил ўлғон мургни кўрсам, юрагимни ўйлайин,  
Чўғзию вайрона кўрсам, манзилимни ўйлайин.

Найлайин кошоналарни анда-мунда қўққайиб,  
Турганини, ул тавонгар, ман элимни ўйлайин.

Кўринишда муллодек, аммо илмдан беҳабар,  
Мулло ўринга фунуну зүфунунни ўйлайин.

«Бу савоб, бу увол» деб фатводин недур мурод?  
Маънисига тушмағон нодон элимни ўйлайин.

Ман занфман дод-фарёдим етарму жойга?  
Анбарин бўйин тараткан кокилимни ўйлайин.



Бир жуҳуд баззоз кириб келди бугун.  
Ултуриб қошимда чечди бир тугун.

Бор экон бисотида ҳар хил мато,  
Читу атлас — пурбаҳову гулгун.

Бўғчасини очди қошимға қўюб,  
Деди:— сайлаб олингиз киймоқ учун.

Ман дедим: — хело жуҳудлар бой бўлур,  
Уйларида ўткорурлар яхши кун.

Деди:— эй хоним, бу моллар бойники,  
Қарзлар остидадур бизда бўюн.

Биз ҳуқуқсиз, шўрпешона халқмиз,  
Дастмоя юз танга бўлмас ою кун.

Ман дедим:— сабр эт, кеча ойдин бўлур,  
Анбари бошингға солғай ёғду кун.



Мардона тут ўзингни, эй боғ умринг узайсун!  
Мандин кейин фарзандларим сени ҳуснингни кўрсун.

Афсус этма асло, орзу ушотмадим деб,  
Сабр эт, баҳори фасли ҳуснинг камола етсун.

Кумуш каби ирмоқлар тоғ бағридин шарро-шар,  
Ўйноқлашиб қўйнингга кириб жавлон урсун.

Себарга майса ичра шимғиб ўпсун оёғин,  
Себарга ҳам лаб чўзуб сувни лабини ўпсун.

Шамшоду тўби янглиғ мева дарахти саф-саф,  
Танга-тилло сингори гулбаргларини тўксун.

Булбул келиб завқ ила гул шохида хушовоз,  
Васфингни кўйлаб шўх-шўх ўйнаб тарона қилсун.

Баҳор насими эссун, Анбар ҳидини пуркаб,  
Бошинг узра парвона санго меҳрини қўйсун.



Худонинг неъматини бўлиб олгонларга ўт тушсун.  
Шариат ҳукмини йўлдин чиқаргонларга ўт тушсун.

«Аёллар сочи узун, ақли қисқадур» деганларга,  
Товуқча ақли йўқ, ахлатни титконларга ўт тушсун.

Тариқча илми йўқ, «қозикалонман — муфтиман»  
дейдур,  
Абу Сино, Улуғбекдин кўз юмгонларга ўт тушсун.

«Хотунлар мол қатори сотилар» деб муштипарларни,  
Зулайхо, Лайли, Ширинни тан олмаганларга ўт  
тушсун.

Бўйи хуш Анбар кабилар ҳайф ҳаромхўрлар учун,  
Судхўру фоҳишабоз, сўзи ёлгонларга ўт тушсун!



Санинг даргоҳинга ман савбурман раббано олло,  
Дуо қилсам, ижобат қил элим ҳақида ҳар ялло.

Манинг турган ерим Мовароуннаҳрдур исми,  
Халойиқни сувингдин бенасиб этма худовандо.

Кўрурманким, халойиқ неъматингни билмағай сандин,  
Тавонгар нотавонни қақратиб сувсиз қилар саҳро.

Агар сандин билурлар неъматингки ҳаммаға тенгдур,  
Нечун бойлар муносиб кўрмағайлэр, бу нучук савдо?

Ҳамма неъматларингни тақсимини муфтилар қилғай,  
Нечун бой учни олса, чорякори бир олар ҳар жо?

Жаҳаннам сассиғидан сақла бандангни ўзинг фардо,  
Бу Анбар ҳидлари жаннат эрур эл наздида ҳоло.



Қай куни бўлғайки, бўстонимни бир меҳмон келур?  
Гул очилган чоғида бир булбули хандон келур?

Қайси кун байтул ҳазанимни ёрумоқ соати?  
Бу қаро ғорим ичиға парпираб шамдон келур.

Аслида бўстон бўлиб, ғорға ўхшар тақлиди.  
Чунки ғурбатдан асорат бўйи қабристон келур.

Бор умидим бўстоним яшнағай қайтиб яна,  
Ман ила суҳбат учун Нодиран даврон келур.

Ул улуғ устод кейнидин манго меҳмон бўлуб,  
Куйлашиб шоирлари қошимға юз чандон келур.

Бора-бора дашту саҳро ҳам бўлодур лолазор,  
Навжувонлар сайр учун албатта беармон келур.

Анбарим ҳидини бўйлаб кайфидин хушнуд ўлиб,  
Эвазиға ман кабилар дардиға дармон келур.



Қиш кетур, муз эриб баҳор бўлур,  
Янги умр насимийки навбаҳор бўлур.

Бу барча абр йўқолиб осмон  
Саҳни кўнглумдек хўб беғубор бўлур.

Қирларга зоғ аёғи эмди тегмағай,  
Гилами зумрад сингари сабззор бўлур.

Наврузки қиз учун сайл куни.  
Монанди лаби лаъли саҳро лолазор бўлур.

Ҳар қиз ул кунга етса у нек бахт,  
Ҳусни камолига етиб гулузор бўлур.

Хуш ул сан каби, бу китобинг (Анбар)  
Ул дилраболар қўлида шиор бўлур.





Бир замонни ўйлағайман, ҳеч замонга ўхшамас,  
Бу жаҳон бурчида тўртдин бир томонга ўхшамас.

Дашту саҳро бош-оёқ бўлғай тамоми бўстон,  
Бу замоннинг бўстони, бўстонга ўхшамас.

Тоғларидин кўп хазина мени ол деб қичқирур,  
Жилғалар шаҳри азиму Кўҳистонга ўхшамас.

Бу замонда шоҳдир Искандару Доро каби,  
Ман деган кунлардаги бир боғбонга ўхшамас.

Бўри қўйлар бирладур дахл этмаса доврўғидин  
У замонда бўлғучи дориламонга ўхшамас.

Хизматида қирқта қиз хизмат қилармиш бекани,  
Келгуси озод ҳур қизу жувонга ўхшамас.

Молини ҳисоби йўқдур, кўзи тўймас бойни,  
Халқнинг молини боққон қўйчибонга ўхшамас.

Минг (та) шоир ёзади ёр дардини куйлабон,  
Мушк Анбар ҳид сочарлик дostonга ўхшамас.

• • •  
Қулоқ солгил манга эй дўхтур бирпас!  
Ғаниматдур бизга ўткан ҳар нафас.

Дўстларни уйиға бориб қарайсан,  
Аёвсиз ушатгил бўлса гар қафас.

Ман бўлдим ул мудҳишга гирифтор,  
Мандин ўзга йўлиқмасун ҳеч кас.

Ўрус келиб ҳам бўлмади осуда,  
Зулму даҳшат йўқолсун, эмди бас!

Ман ғариб бистарда ётиб йиғласам  
Худо еткурса охир бўлмағай абас.

Ешларни умрини хазон этдилар,  
Қўз олайтиб у номуссиз ҳама нас.

Ешлар юзин кўрсун хуршеди тобон,  
Анбар дилида қолмасун бу ҳавас.



Фурқато, Сиздан қабули илтижо қилсун ўрус!  
Бу заифни илтимосини адо қилсун ўрус.

Келди, келди майлиго, бир янгиликни бошласун,  
Болаларға янги мактаблар бино қилсун ўрус.

Ваъда қилмишим, раият ҳолини неку қилур,  
Айтингиз, ул аҳдиға бир йўл вафо қилсун ўрус.

Дўхтуримдан эшитиб, хушнуд эрурман русдин,  
Бисторим устида бу дардға даво қилсун ўрус.

Ҳеч ерға чиқмасимға онт берди бу оёқ,  
Дўхтурим восита бўлса бир шифо қилсун ўрус.

Бахшилар, кинначи, лўли дастидин безорман,  
Покиза аптекадин дору даво қилсун ўрус.

Сандалимда кўб ётуб жонимға тегди дўстлар!  
Печкасини бу уйимға жобажо қилсун ўрус.

Қаравотда Бибихоним, Оминам, Усмонхўжам,  
Яйрасун, роҳат ишини барҳаво қилсун ўрус.

Бу паранжида қарилар ёш ўлар пардоз ила,  
Мушқу Анбар ҳиди ёшларга мубо қилсун ўрус.



Аё, даврон ман ўлғон сўнг, қилиб ёдимни хушнуд эт,  
Менинг кейинимда қолган барча авлодимни хушнуд эт.

Адам тоғида Мажнундек Ширин ишқида жон берган,  
Тирилиб келса ногаҳ сийла, Фарҳодимни хушнуд эт.

Нечанд ёлбордим эмди келмадинг умримни борида,  
Агар келсанг таним йўқдур бу руҳиношодимни  
хушнуд эт.

Қолур байтул ҳазоним, ҳамма аҳли кетур ташлаб,  
Ўзинг кел қайтадан бу байти ношодимни хушнуд эт.

Деворим йиқилиб манзилларим қўшилмасун йўлга,  
Тадорик қил, қадрдон шаҳри ободимни хушнуд эт.

Тараҳҳум қилки, авлодим ғарибдек бўлмасун асло,  
Уларни сийлагил бу хоки барбодимни хушнуд эт.

Йиқилмасдин бурун даврон, келур деб чиқдим истиқбол,  
Йўлингда зор бўлғон қадди шамшодимни хушнуд эт.

Сани кел деб бутун умримда йиғлаб жондин айрилдим,  
Сан ҳам Анбарни излаб илму ижодимни хушнуд эт.



Ҳеч қайғуни гапурма, бағримни ээди қайғу,  
Агар инонмасанг кўр, юзим сарғайди кўзгу.

Майли, бағрим эзилса, тилим бутун-ку ҳоло,  
Дилимдаги хазина тилим учнда туйғу.

Дарё мисоли бўлса киши дили аслида,  
Сўзларида жило берур дилидаги ҳар инжу.

Ранги қаро дема ҳабаш дили сани дилингдек,  
Оламдаги муддаони яхши билади ҳинду.

Жоду деганда шоир, макр мақоми дема,  
Зебо кўз мафтун этса, анъанасидур жоду.

Қаро кўзни тасвирида кўришади барала,  
Баланд тоғлар устида дириллаган бир оҳу.

Сўзларимга тушунса, бўйи Анбарни ҳидлар,  
Бефаҳм ҳар аблаҳ учун иборамдур чун оғу.



Эй Камий, шоирлик узра мунча қилманг лоф-қоф.  
Муҳийдек мунча узоққа бордингиз то Кўҳи Қоф?

Ул Ҳазиний пайрови бўлмоқ ила топмас назар,  
Шоир ўлмоқдин умиди бўлса қилмас ҳеч лоф.

Шеър ёзсангиз, халойиқ ҳолидин мавзу этинг,  
Кўп улуғларни мадҳ этмоқ эрур бу исроф.

Аввало ўйланг эл ичра зиндаги қай хилдадур,  
Икки ёқлиқ зулмни сиз айланг ҳамеша эътироф.

Сиз каби махтов ила ёзсам бу шеъримни агар,  
Кўп ғазал ёзилғуси, то бўлғусидир қоп-қоп.

Завқию, Шавқий, Муқимийдек ҳаётимдан ёзиб,  
Анбарин кокилларимни ҳидларин айланг тавоф.



Шум жаҳонгирлар учун зўр даври даврондир уруш,  
Қўп ҳаромхўрлар учун пур рим ила қондур уруш.

Қонхўру бедодгарлар таъмасини келтирур,  
Эл учун боди бало бир офати жондур уруш.

Эчкига жон қайғуси, қассобга ёғ дегонидек,  
Жанғариларга давою, роҳати жондур уруш.

Одамилиқ нусхасини йўқотиб ваҳший каби,  
Қонсираб қолган шоғолга (ю)ракдаги қондур уруш.

Бойлик орттирмоқ учун, жанжал чиқариб пойма-пой,  
Дайдиган итлар учун бир ганжу навқондур уруш.

Зўрдин зўр чиқса доим, зўр қочғай гўрға, -  
Сулҳу амният кучидан несту яксондур уруш.

Қай кунни бўлғайки дунё сулҳ ила топғай қарор  
Акс ҳолатда бу эл пойиға қопқондур уруш.

Жарчи бўл, Анбар, хотунлар бирла чиқ ёв зиддиға!  
Бу печук мудҳиш балою оби тўфондур уруш.



Эй замон, ман санго боқмай, аслида сан манга боқ!  
Қиш кетар ёзни боши у навбахор сан манга боқ.

Ман санго муштоқдурман ёри жонимдек кўриб,  
Йиғломоғингни қўйиб, васлингни кутган танга боқ.

Кўп қаро зулмат тарафга боқма, авзонг бузар,  
Кўзларинг пур нур этади, хуршеди равшанга боқ.

Сен ўтурғон хонага хуршед нури тушмади,  
Хона кунжокига нур берган кичик равзанга боқ.

Раҳм қилғум сан жафокашга қийин, аммо нетай?  
Бир ўзим танҳо ёронлар кўп йироқ майманга боқ.

Кавкабим яшнар, ҳумоюн бошима қўнғон замон,  
Анбарим ҳидиға тўлиб яшнаган гулшанга боқ.



\* \* \*

Бир ажаб қишлоқлардур Ғумойил ҳам Бешқовоқ,  
Бу Хўқанд шаҳрига унчалик эмас йўли узоқ.

Ҳама ер боғу дала, атрофида кенг пахтазор,  
Пахтани бой оладур деҳқон қиладур қўл қадоқ.

Боғларнинг мевасини маъниси йўқ бу баҳор,  
Ҳар тарафдин қушлар ҳам келмади бўлғай қўноқ.

Боғбон қўйғай эди қушлар учун кўб ошён,  
Келтурурди нўлида қушлар уёқдан кўб шафоқ.

Боғбон ҳам дил хунукдир бу фалакни дастидан,  
Мевасидин бенасибдур, шул сабабдин бадумоғ.

Илгарини бир бойни мулки эрди, ободроқ эди,  
Устига бир бой келиб, бу ўртада чиқди нифоқ.

Умед улдур бўйи Анбар келса жаннатдин яна,  
Яшнаса гуллар бу боғда булбул ўлса вақти чоқ.



Не учун гул фаслида пурханда бўлмайдур бу боғ?  
Ханда қилган боғни қай дунёдин айлай суроғ?

Имтибо этмоқ нечунким, текмағай боди насим,  
Баҳри Уммондин бу боғ йўли эрур беҳад йироғ.

Бу баҳор фаслида сабззор ўлиб турмайдиму?  
Не учун шамшодлар мажнунтолдек бедумоғ?

Манда ҳайрат бўлди пайдо, бу нечук кунлар эрур?  
Хонадонда кундузи ҳам ёқадилар эл чироғ.

Бу ажаб сол ўлди ёз ўтмай мисоли қнш эрур,  
Айни ёз ўртасида га-га деюр бум ила зоғ.

Пиразан уйи каби дўкон ёнида йилтираб,  
Жон берур вақтими, мажруҳ тан ёнадур жинчиروғ.

Бойлар уйида анқир уду Анбар ҳидлари,  
Камбағал уйида йўқдур чинчироққа лампаёғ.



Пойдор ўлсун жаҳонда хуш насими бўйи сулҳ,  
Тушсун ушбу бўстонға раҳсипори кўйи сулҳ.

Порлағай хуршеди тобондек ҳамеша нурлари,  
Қайси ерларға қараса, ханда овор рўйи сулҳ.

Бу ўруснинг хокиға кирмиш фаранги хомтама  
Зарба бирла ҳайдаминшдур юртиға барзун сулҳ.

Эмди бу Гирмон кўтарди янги жангни дунёда,  
Они ҳам ҳушёр этодур қуввати мардум сулҳ.

Раҳнагарлар тинмайин босқинчиликда санқиса,  
Излоридин нуқс қолдирмайди шусту шўйи сулҳ.

Анбаро ул баҳри Уммондин ариқ оч дунёға!  
Тинчлик баҳрин кетурсун сув каби ул жўйи сулҳ.

## МУСТАҲЗОД

На хушбахтликки фарзанди Фарғона бўлибман,  
озода таним бор.  
Ҳар кўчада бир шонрга ҳамхона бўлибман,—  
хушхон ватаним бор. —  
Афсус ман мазлум эрурман, ҳақ йўқ манго ҳаргиз —  
бу уивони занин бор,  
Хилватда ўзим ўзима айтарман ғамимни,—  
тилсиз дахамим бор.  
Ҳеч боқи эмас, ман бир неча маҳу сол бурун.  
келдим бу жаҳонга,  
Охир очилиб гулшандай бўлздур бу боғим,—  
гулгун чаманим бор.  
Бўлғуси чаман ризвонлари ўтқузса шўҳел,  
ҳозир тикени бордур.  
Умед табласида боқишга қўюбман,—  
аспи самоним бор.  
Келгуси ёруғ дунёга бориш-чун оёғим,  
ҳозирча эрур мажруҳ,  
Дод айламагим мумкин эмас бу баданимда —  
қайди каманим бор.  
Фарёд этиб кўз ёши ила ёзган бу абёт,  
турсун бу қоғозда,  
Анбар ҳидини сочғуси бу жаҳонга,  
уди яманим бор.

## МУХАММАС БАР ҒАЗАЛИ УВАИСИИ

Эларо жонбахш ҳам хуршиди тобондур адаб,  
Шаҳараро элга фаронатлик гулистондур адаб,  
Одамини юзида бир нури имондур адаб,  
Э дил, бугун илқингга ол, шоҳ эткан эҳсондур адаб,  
Туҳфа бўлтур кўрсанг они, бир лойиқи жондур адаб.

Дил агар соф эрса они дейдилар жонон кўнгил,  
Уйлоғон ҳар нарсани айлар ажаб дармон кўнгил,  
Аввалида ўйламай, охирда армон кўнгил,  
Васлда бўлсанг боадаб фаҳм айлагил нодон кўнгил.  
Кўрсанг агар ул шоҳни, шамъи шабистондир адаб.

Раҳмат сиза эй раҳнамо, олдим талаб таълимини,  
Кўз кўрганин тасвирламоқ, билдим ажаб таълимини,  
Ҳар кимсаға ўз жойида айтмоққа гап таълимини,  
Маъзур тут эй покдин, бердинг, адаб таълимини,  
Жо айладим кўнглимаро, билсам қизил қондур  
адаб.

Қуллик каманд занжирини гулёр солди бўйнима,  
Туҳмат ғамини бесабаб агёр солди бўйнима,  
Арз айласам беғам бу шайх тумор солди бўйнима,  
Куфр этди ишқинг эй, санам, зуннор солди бўйнима.  
Ошиқларга ўлгунча ёнмаслик имондур адаб

Ишқи покинг эт насибим, берайин имон санго!  
Эй пари хушнуд этмоқ ишидур осон санго!     ”  
Йўқса бисмил қил мани шаррора қилсун қон санго,  
Кўз манзарига қўй қадам, наззора қилсун жон санго.  
Бормоқда кўз маҳрумлиги бўл тири мужгондур  
адаб.

Юрсанг онинг ҳар роҳига тут бо адаб домонини,  
Кирсанг онинг даргоҳига ўпсанг ажаб домонини,  
Эй Анбар огни, паст кетмагил, ҳаргиз силаб домонини,  
Қуйсанг бошинг остонига, тутсанг талаб домонини,  
Тутсанг муредингдан умид, Вайсей фаровондур  
адаб.

## МУХАММАСЛАР

Эй, шоира, қил қариндошингга насиҳатингни,  
Ўлмасдан аввал қилгил сирдошингга насиҳатингни  
Элу уруғингга қилгил васиятингни,  
Бу хушрў ватанинг учун қолдирғил санъатингни.  
Ўргат ҳама фарзандингга бу маҳоратингни.

Аввал эл тилини билсунки, қайси тилда сўзлар.  
Билсунки қаю йўл ила қайга боришни кўзлар,  
Охир бу йўл ила бориб ул ким ила юз юзлар,  
Қайсиси қаён боруб ботур юлдузлар.  
Кўзинг очуғида кўрсат йўл ҳақида хатингни.

Дегилки, болам бу сўзларим ўйлоғил танингга,  
Хизмат қилокўр эл учун бу доно Ватанингга.  
Эл роҳати-ю ғамини қабул эт танингга,  
Бовар қилакўр келгусида ёшноқ марди-занингга.  
Фарзанду қариндош қабул этсун ишоратингни.

Дилни тузотуб, андеша ила ушлаб қаламни,  
Тилни узатиб илм пеша қилиб, ўйлаб у ғамни.  
Ёзсун у қўлидин бой бермай бир дамни,  
Ёзсун оламга бошдин ўткан барча аламни.  
Қолдирмай олиб борсин изингдан давоматингни.

Покиза дил ила йўл олсун шоирлар ичра,  
Ўткур қалами бирла кириб борсун моҳирлар ичра,  
Ҳар ғул-ғашни пок этсун ул тоҳирлар ичра,  
Эл жарчилигин кашф этсун ул зоҳирлар ичра.  
Охир айласун авлодинг камолатингни.

Ҳозирча қоғоз устида мани дурларим сочилгай,  
Вақти келиб ушбу махфий сирим очилгай,  
Бу бахтсиз мани фарзандларим чигали чечилгай,  
Ул вақт мани хотунлик гуноҳим кечилгай.

Дегайлар ўшал вақт «Мард аёл қўйдук

отингни»

Кел эмди, эй Анбар отинча, дамнингни нас қил!  
Сўзни узайтирибон ёзишни ҳозирча бас қил!  
Яхшиси шуки, кўнгилда янгилик ҳавас қил,  
Кўб оҳ урма, замоне осуда нафас қил.

Умр етса кўрармиз, изҳор эткан кароматингни.





Эй гўзал Фаргона, ўзингни кел эмди шод қил!  
Ҳар ғазални бошида сан ўз отингни ёл қил,  
Қайда бандни пора айлаб, ўзлугинг озод қил,  
Қайғули кунларни куйдур, барчасини барбод қил.  
Эмди Туркистонда ҳақгуйлик ила фарёд қил.

Боғларинг пажмурда бўлди, зоғларингни пойидин,  
Кўкрагинг садпора бўлди дайдиларни ёйидин,  
Қатра-қатра қон томадур ўқ тешкан жойидин,  
Қип-қизил қонлар оқадур жабр кўрган сойидин,  
Ўз қўлинг бирла бу юртингни ўзинг обод қил.

Бу нечук ғорат эмишким, икки ёқдин тушди йўл?  
Икки тил бирдек гапурса қўрқмағил, омода бўл.  
Эгри юрса, юрмағил сан ул тарафга ўнг-сўл,  
Кимки эгри йўлда юрса, эл ани этмас қабул.  
Зулмдин озод бўлишда ўзлугинг устод қил.

Кимки меҳнат қилса боғингга они эъзоз этиб,  
Гул насимини димоғига юборғил ёз этиб,  
Нозу-нематни анго берғил яна боз-боз этиб,  
Эл ичида ҳурмат ила сийлагил мумтоз этиб,  
Меҳнат аҳлига ҳамиша боқ, дилини шод қил.

Кел, очил суйган диёрим, гулларингни яшнатиб,  
Сайрасун булбул боғингда дилларингни яшнатиб,  
Яйлову қирлардаги сунбулларингни яшнатиб,  
Анбарим ҳиди ҳама жамбилларингни яшнатиб,  
Халқи оламға ҳаётинг сирини рўшод қил.

\* \* \*

Ухломасман кечалар шамъи шабистон ўлмағач,  
Етти қат ер кўксида бу ойға меҳмон ўлмағач,  
Еру кўк илмини билмакка дабистон ўлмағач,  
Абрлар устига лоақал бир норудбон ўлмағач,  
Ул Улуғбекдек бу асримда билимдон ўлмағач.

Нега ухлай кеча-кундуз ухламоқдин чарчадим,  
Кундузи ҳам кечадек кўз юммоқдин чарчадим,  
Тушларимда ҳикмат ишларни кўрмоқдин чарчадим,  
Уйғониб ул туш ҳақида ўйламоқдин чарчадим,  
Кеча ойдин кундузи хуршеди тобон ўлмағач.

Туш кўриб сувсиз, гиёсиз чўлни бедор ўлмишам,  
Бир тушимда даштаро ман ҳамдами мор ўлмишам,  
Боз туш кўрсам аёллар ичра саркор ўлмишам,  
Яхши ниятларни куйлаб соҳиб ашъол ўлмишам,  
Кўзни юммасман сира туш бурди чандон ўлмағач.

Бедор ўлтирганимда ҳамдамим ушбу қалам,  
Қўлларимга бу қаламни тутқазур дарду алам,  
Устоз ишхонада ёнимда ётур тўрт болам,  
Юрагимдан қоғоз устига тушодур ҳажру ғам,  
Қувватим ёзмоққа етгай бир қадрдон ўлмағач.

Ёзмоғимдин менго не ҳожат чиқар манга аён,  
Кўнглума келган ниятни тинмайин айлай баён,  
Ёзғонимдин манга йўқдур на ҳаёну, на знён,  
Аржуманд фарзандларим бахти учун бўлғай ҳаён,  
Ёзғоғим беҳтар гапим тингловчи инсон ўлмағач

Ким шамолда чўлға юргай жонини қийнаб ўзи,  
Хор кетгай ким бақирса шу кунни айтган сўзи,  
Чангу тупроқ қилгай ифлос ёпмаса тоза юзи,  
Қум кириб ёшлар тўкуб оғриғуси ўткур кўзи,  
Юрмагон беҳтар юрушга кўча дархон ўлмағач.

Ухлағайман юлдузим ой олдинга борса яқин,  
Ҳамма кўрган тушларим ўнгимда ҳам бўлса тагин,  
Ёзгон ашъорим халойиқ ичра бўлса чун оқин,  
Бу шамоллар тўхтабон сайёрга бўлмай қийин,  
Анбаримни ҳидлари ер ичра пинҳон ўлмағач.

## Қ И Т Ъ А

Одам эрсанг ҳамиша иш қилиб юр,  
Қаю йўлга борурингни билиб юр,  
Ҳақиқат сўзларини сўзлағанда,  
Ани ёдлаб, қулогингга илиб юр.

## ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Отам — Фармонқули Марғилоний,  
Онам — Ашурбиби Қўқоний.  
Алар белбоқчи — бўзчи эрди касби,  
Ҳамеша маккайидин эрди нони.  
Ки, «бўзчи ёлчимас белбоққа» доим,  
Яна жуфт бўлмас эрди бир чопони.  
Бизоат бўлмагач уй эрди нотинч,  
Санаб бўлмас эди жанжол сони.  
Ҳайит келса ҳамеша ғавғо бўлғай,  
Ки, йўқдур янги энгилдин нишони.  
Арафа — иди қурбон кечасинда,  
Ота онам қўпарди ғалоёни,  
Намоз куни икиси айрилишди,  
Бир уйча — ҳовлича сотдилар они.  
Мани ҳам ики укам бирла бизлар,  
Онам бирла бўлувдик сарсони.  
Онам бирла қолиб биз кўчаларда,  
Отам кетди ба шаҳри Марғилони.  
Онам бир эрга текди Бешқовоққа,  
Уни бор эрди читгарлик дўкони.  
Яна боғи бор эрди бир танобча,  
Икки танобча ерда деҳқони.  
Мани тарбият айлаб ҳам укамни,

Ҳамиша берди бизго буғдой нони.  
Онам кўрди етти фарзанд андин,  
Бири кўрқори бўлди кўзи они.  
Мани уйға чиқардилар шаҳарға,  
Зоҳидхўжа деган нонвой Қўқоний.  
Ул нийз қашшоқ эди авалда ўзи,  
Қари катта оноси — моли, жони,  
Кейинроқ бўлди новвой ўзи танҳо.  
Кунимиз ўтди андак: чойи, ноний  
Мани фарзандларим тўрт бўлди бас,  
Мўминхўжам эди андак ёмони.  
Бибихон роҳати жоним, энисим,  
Ғариблик, дардманлик дармони.  
Етиб қолдим, мураббим бўлди шу қиз.  
Анинг бирла топиб жоним омони.  
Усмонхўжам — ҳалиму қобилмдур,  
Ўқутди устози Ҳайруллохони.  
Мени дардимға қўшди минг аламлар.  
Вафот эткан қизим ул Омишахони.  
Шу дард бирла адо бўлдим ёронлар!  
Бу ёш боғим бўлиб тезда хазони.  
На роҳат кўрдиму, на орзуни,  
Ки ман йиғлаб ғазал ёздим ниҳони.  
Аёллар ишқ сўзини демоқдин,  
Ғазал ёзмоқдин ўзи эрди фоний.  
Саҳобға ёлбориб неча варақни,  
Китоб ичиға жойлаб қўйдум они.  
Кимеки кўрса, ёд этса зора,  
Еруғлик бўлса у дунёи соний.

*На узбекском языке*

АНБАР ОТУН

СТИХИ

*Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1963*

Редактор *Ҳ. Пулатов*

Рассом *Л. Рябцев*

Расмлар редактори *Г. Остапенко*

Техн. редактор *Н. Курилова*

Корректор *И. Қобилов*

• • •

Босмахонага берилди 14/1 1963 й. Босишга рухсат этилди 5/II 1963 й. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 2,0. Шартли босма л. 2,34. Нашр. л. 1,66. Индекс: *н/а*. Тиражи 25000 P03027. УзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома № 197—62

• • •

УзССР Маданият министрлиги Узглавиқда-  
тининг Ихтисослашгирилган ҳарф терув  
фабрикасида терилиб, матрица қилиниб  
3 босмахонасида босилди Тошкент, Ленин-  
град кўчаси, 15. 1963 йил. Заказ № 343.  
Баҳоси 9 т.